

**ЎЗБЕКИСТОНДА АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ СОҲАСИДАГИ
СИЁСАТИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Хашимов Пазлиддин Зукорович

Ўзбекистон Миллий университети, и.ф.н., проф. в.б.

Холмирзаева Махлиё Зарифжон-қизи

Иқтисодиёт факултети талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6815780>

Аннотация. Мақолада инсонларнинг табиатга, атоф муҳитга таъсири жараёнлари жуда жиёддий тус олаётгани ҳамда чексиз эҳтиёжларни қондиришида чекланган ресурслардан оқилона фойдаланиш шароитида экологияга бўлаётган салбий муносабатларнинг олдини олиши ҳар бир мамлакат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланиши таъкидланган. Шунингдек, Ўзбекистонда атроф муҳитни муҳофаза қилиши соҳаси доирасида олиб борилаётган сиёсатининг устувор йўналишлари бўйича муаллифларнинг таклифлари келтирилган.

Калим сўзлар: яшил иқтисодиёт, экологик сиёсат, глобал муаммолар, минтақавий муаммолар, экология муҳофазаси, “яшиллаштириши”.

**ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ПОЛИТИКИ
В ОБЛАСТИ ОХРАНЫ ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ В УЗБЕКИСТАНЕ**

Аннотация. В статье подчеркивается, что в условиях очень серьёзных ситуаций воздействия людей на природу и окружающую среду, а также рациональное использование ограниченных ресурсов в удовлетворении безграничных потребностей предотвращение негативных отношений людей к экологии является одной из приоритетных направлений социально-экономической политики любой страны. Также в нём приводятся предложения авторов по приоритетным направлениям осуществляемой политики в Узбекистане в рамках сферы охраны окружающей среды.

Ключевые слова: зеленая экономика, экологическая политика, глобальные проблемы, региональные проблемы, охрана окружающей среды, «озеленение».

**PRIORITY DIRECTIONS OF ENVIRONMENTAL PROTECTION POLICY
IN UZBEKISTAN**

Abstract. The article states that the processes of human influence on nature and the environment are becoming very serious and that the prevention of negative attitudes towards the environment in the context of the rational use of limited resources to meet unlimited needs is considered one of the priorities of the socio-economic policy of each country. Also, the opinions of the authors on the priority directions of the policy carried out in the field of environmental protection in Uzbekistan are given.

Keywords: green economy, environmental policy, global problems, regional problems, environmental protection, "greening".

КИРИШ

Инсоният ҳаёт кечирар экан, ўз эҳтиёжларини қондириш учун албатта, табиат неъматларига мурожаат қиласи. Эҳтиёжларнинг турлари, микдори, эҳтиёжларни қондириш мақсадлари, ҳаётий неъматларни истеъмол қилиш усувлари кундан кунга янгиланиб боради. Шу билан бир вақтда табиат неъматлари ҳам ўз шакл-у шамойилини

доимо ўзгартириб боради. Бу янги уй-жой ва транспорт инфратузилмасини қуришдан тортиб, чиқинди ва сув тозалаш иншоотларигача, энергетика ва саноатдаги технологияларни жамият эҳтиёжларини қондириш учун қишлоқ хўжалигининг янада интенсив шаклларига ўтказишгacha бўлган барча жараёнларни ўз ичига олиб, барчаси табиат, атроф-мухит билан бевосита чамбарчас боғлик. Бу ўзгаришлар ва ривожланишларнинг барчаси бизнинг табиий муҳитимизга таъсир қиласи.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Агар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва маҳсулотни истеъмол қилиш билан боғлиқ иқтисодий босқичлар яхши режалаштирилса, исрофгарчиликнинг олди олиниб, табиат неъматларидан оқилона фойдаланилса, “яшиллаштириш” чоралари қўлланилса, бундай тадбирлар, албатта, бизва келажак авлод ҳаётининг ижобий тарафга ўзгаришининг кафолати бўлиб ҳисобланади. Баъзида ривожланиш жиддий экологик муаммоларга ва қайтариб бўлмайдиган таназзулга олиб келиши мумкин. Бу эса одамларнинг саломатлиги, ҳавфсизлиги ва ҳаёт сифатини жиддий хавф остига қўяди. Шу сабабли бугунги кунга келиб ҳар бир мамлакат атроф муҳитни муҳофаза қилиш сиёсатига жиддий эътибор қаратмоқда. Бундай сиёсат мамлакат аҳолисининг ижтимоий-иктисодий фаровонлигини таъминлашда, келгуси авлоднинг ҳам эҳтиёжларини таъминлай олиш учун табиий ресурслар захирасининг тежалишида жуда муҳим аҳамият касб этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Атроф муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, уни асраб-авайлаш чора-тадбирлари, яшил иқтисодиёт сиёсатининг назарий ва амалий жиҳатлари А.В.Вахабов, Ш.Х.Хажибакиев, Ш.А.Ташматов, М.Т.Бутабоевларнинг илмий-тадқиқот ишларида ўрганилган [1].

Хорижлик иқтисодчи олимлар Т.В.Вашалова, Н.И.Ивановава Л.В.Левченко иқтисодиётнинг экологияга зарарли таъсирларини бартараф этиш, “Яшил” иқтисодиёт тамойилларини жорий этиш бўйича бир қанча изланишлар олиб борганлар [3], [4].

Узоқ хорижлик тадқиқотчи олимлар Д.Pearce, Э.Барбиер ва С.Бедерлар “яшиллаштириш” сиёсати, “Яшил” иқтисодиёт ва “Экологик” иқтисодиётнинг моҳияти ва уларнинг мамлакат ривожидаги ўрни ва аҳамиятини ўз тадқиқот ишларида тавсифлаб беришган [5], [6].

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Атроф-мухит муҳофазаси – табиат неъматларидан оқилона фойдаланиш, табиат гўзаллиги, унинг мусаффолигини таъминлашга ҳамда ўсимлик ва ҳайвонларнинг нав ва зотларини сақлаб қолиш ва бойитишга қаратилган тадбирлар мажмуйи бўлиб ҳисобланади. Табиатни муҳофаза қилиш нафақат давлат, давлар органлари, идора ва ташкилотлар вазифаси, балки, ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Бу ҳақида бир қатор қонун, қонуности ҳужжатларда, энг олий юридик куч бўлмиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида “Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар” – дея қайд этилган. Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитни ҳимоя қилиш, экологик шароитнинг ижобий муҳитини яратиш, мавжуд қонун-қоидаларга риоя этиш назоратини ўрнатиш, обьектлар муҳофазасини таъминлаш ва табиат муҳофазаси бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш каби сиёсатни амалга ошириш Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси

фаолиятининг асосий вазифалари бўлиб ҳисобланади. Мамлакатимизда экологик сиёсатнинг ишлаб чиқилиши, қандай чора-тадбирлар қўлланилиши, муқобил варианлар танлови, албатта, экологик муаммолар билан чамбарчас боғлиқдир. Яъни мамлакатда экологик вазият таҳлил қилиниб, ўрганилиб, юзага келган ва келаётган муаммоларга ечим топиш орқали экологик сиёсат ишлаб чиқилади. Маълумки, экологик муаммолар ҳам турлича таснифланади ва улар қуидагилар:

□ Глобал муаммолар – жаҳон мамлакатлари орасида ўта муҳим ҳисобланган муаммолар. Масалан, Озон қатлами ning емирилиши, глобал исиши муаммолари.

□ Минтақавий ва миллий муаммолар – маълум бир худудларга тегишли бўлган экологик муаммолар. Масалан, минтақадаги сув ресурсларининг ифлосланиши, флора ва фауна дунёсининг заарланиши, чиқиндиларни назорат қилишнингиздан чиқиши ва шу кабилар.

□ Атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг институционал муаммолари – экологик вазият билан боғлиқ бўлган иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий механизмларнинг бузилиши билан боғлиқ муаммолар. Бунда иқтисодиётни экологиялаштириш, атроф-муҳит муҳофазаси устидан давлат назорати, жамоатчилик муносабати, экология ҳимоясини иммий жиҳатдан таъминлаш каби масалаларга эътибор қаратилади.

Кўйида маълумот ўрнида атмосферага чиқарилган ифлослантирувчи моддаларнинг худудлар кесимида тақсимоти берилган. Жадвални таҳлил қиласиган бўлсам, энг кўп микдорда ифлослантирувчи моддалар чиқарадиган худуд Тошкент вилоятига тўғри келади. Бунга Тошкент вилоятида фаолият кўрсатадиган саноат, курилиш корхоналарини мисол қилиб келтирсак бўлади. Биргина Олмалиқ шахрида жойлашган “Олмалиқ тоғ-кон металлургия” комбинатидан чиқадиган заарли газлар, ифлослантирувчи моддалар, шаҳар атрофида жойлашган бошқа шаҳарларни, жумладан, Оҳангарон, Ангреннинг ҳавосига заарли таъсир кўрсатади. Шунингдек, Бекобод қора металлургия саноат корхонаси, Ангрен Кўмир заводи, жойлардаги цемент, шағал заводлари ва бошқа комбинатлар фаолияти атмосферага чиқарилган ифлослантирувчи моддалар ҳажмининг ошишига таъсир кўрсатади.

1-жадвал

Атмосферага чиқарилган ифлослантирувчи моддалар				
Минг тонна				
Худудлар	2017	2018	2019	2020
Ўзбекистон Республикаси	853,5	883,7	952,8	924,4
Қорақалпоғистон Республикаси	37,7	34	37,2	28,9
Андижон	15,8	15,9	14,3	11,5
Бухоро	63,8	74,8	69,1	37,1
Жиззах	5,2	11,8	4,3	3,4
Қашқадарё	165,7	152,2	140,4	128,1
Навоий	44,1	49,9	43,6	48,4
Наманган	15,9	15,2	15,8	15
Самарқанд	37,2	52,1	44,2	52,7
Сурхондарё	3,2	5,1	6,9	6,5
Сирдарё	59,6	60,5	47,8	71,8

Тошкент	302,9	336,6	397,9	430
Фарғона	60,1	53,2	49,6	50,5
Хоразм	9,2	7,1	7,2	6,8
Тошкентш.	33,1	15,3	74,5	33,7

МУХОКАМА

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, бугунги кунда бундай таснифдаги муаммолар ўрганилиб, уларнинг олдини олиш борасидаги чора-тадбирлар бир қатор концепция ва стратегияларда ўз аксини топмоқда. Хусусан, Республикамизда амалга оширилаётган экологик вазият билан боғлиқ сиёсатнинг устувор йўналишлари Президентнинг 30.10.2019 йилдаги «2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф мухитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони доирасидаги мақсадли вазифалар қаторига киради. Жумладан,

I. Оролбўйи минтақаларида худудлар ҳолатини яхшилаш –жумладан, Орол денгизининг қуриган тубида ўрмонзор майдонларини кенгайтириш; янтоқ, саксовул каби кумга чидамли бўлган ўсимлик турлари майдонларини кенгайтириш; Қорақалпоғистон Республикасида Орол денгизининг заарли тузларидан зарар кўраётган худуларда, шунингдек, Урганч, Хива шаҳарлари атрофида турли хилдаги қумга чидамли бўлган дараҳт-буталардан иборат «яшил белбоғ»лар барпо этиш ва экологик вазиятни яхшилаш.

II. Ер ресурслари ва ер ости ресурсларини муҳофаза қилиш–жумладан, қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини ошириш мақсадида пахта-беда алмашлаб экишини таъминлаш; Қишлоқ хўжалигига органик қишлоқ хўжалиги усувларини жорий этиш, яъни маҳсулот ҳосилдорлигини таъминлашда интенсив усувлардан фойдаланиш.

III. Сув ресурсларини муҳофаза қилиш –жумладан, сув ресурсларининг истрофарчилигини қисқартириш; оқава сувлар самарадорлигини ошириш; канализация билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш; қишлоқ хўжалигига тежовчи технологиялардан, масалан, томчилатиб сугориш усулидан фойдаланиш

IV. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, жумладан, атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи чиқиндиларни камайтириш; транспорт воситаларидан чиқадиган заарли газларни камайтириш мақсадида, жамоат транспортини электр энергиясида ишлашга ўтказиш; ифлослантирувчи чанг ва газларни тутиб қолувчи қурилмаларни кўллаш; энергия олишда қайта тикланадиган муқобил манбалар (куёш ва шамол энергияси) улушкини кўпайтириш.

V. Биологик ресурсларни муҳофаза қилиш ва қайта тиклаш–жумладан, Қизил китобга киритилган ҳайвон зотлари ва ўсимлик турларини сақлаб қолиш ва уларнинг биологик турларини кўпайтириш чораларини кўллаш; қўриқланадиган худудлар назоратини кучайтириш; табиий мухитдан техник ўсимликлар олишни қисқартириш.

VI. Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимни такомиллаштириш, жумладан, қаттиқ майший чиқиндиларни қайта ишлаш ҳажмини ошириш; чиқиндиларни йиғиш, кўмиш, заарсизлантириш тизимини самарали ташкил этиш; аҳолида майший чиқиндиларга, уларни йиғиш, тўплашга экологик билим муносабатларини кучайтириш.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтадиган бўлсам, атроф табиий мухит ҳолати сифатини яхшилаш мақсадида амалга оширилаётган сиёсатнинг устувор мақсадларига эришиш учун экология соҳасидаги барча назорат функциялари таъминланиши, атроф мухитни муҳофаза қилиш эксперталари учун ягона методология ишлаб чиқилиши, экологик жиҳатдан аҳамиятли бўлган қарорларни қабул қилишда жамоатчилик фикрини ўрганиш механизмини яратиш, шунингдек, ўқув дарсларига экология, атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш юзасидан илмий манбалар киритиш орқали эко-таълим бериш тизимини ривожлантириш ва бу соҳада етакчи малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш дастурларини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси - Тошкент, "Ўзбекистон", 2020.
2. «2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 30.10.2019 й. N ПФ-5863
3. Vaxabov A.V., Xajibakiyev Sh.X., Tashmatov Sh.A., Butaboyev M.T..Yashil iqtisodiyot. Darslik. – Т.: “Universitet”, 2020, -296 b.
4. Ващалова Т.В. Экологические основы природопользования. Устойчивое развитие: учебное пособие. –М.: Юрайт, 2020.
5. Иванова Н.И., Левченко Л.В. «Зеленая» экономика: сущность, принципы и перспективы. //Вестник Омского университета. Серия «Экономика». 2017. № 2 (58)- С.20-21.
6. David Pearce and Edward Barbier: Blueprint for a Green Economy. Earthscan, London, Great Britain, 2019. -192 p.
7. Beder S. 2017, “Environmental economics and ecological economics: the contribution of interdisciplinary to understanding, influence and effectiveness”, Environmental Conservation, vol. 38, №2, - 140-150 p.
8. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/ecology-2>